

Хадарчаева Г.С.

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚИТИШ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

Халлапарчаева Г.С.

**ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА
ЎҚИТИШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI**

**Чирчик-2023
«City of book»**

УДК 811.111.378

ББК 81.2

Х-21

Халдарчаева Г.С. / Инглиз тилини креатив ёндашув асосида ўқитиш. / Ўқув кўланма. – Чирчиқ: «City of book» / 2023. – 172 б.

ISBN 978-9910-9965-8-0

© Халдарчаева Г.С., 2023
© «City of book», 2023

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	4
1 БОБ. ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚИТИШНИНГ ИЛМий-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	8
1.1. Таълимларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиш касбий педагогик зарурат сифатида	8
1.2. Таълимларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг педагогик-психологик ҳамда методик йўналишлари	35
1 боб юзасидан хулосалар	96
II БОБ. ТАЪЛИМЛАРГА КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ	98
2.1. Таълимларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишга оид замонавий ёндашув ва хорижий таъриблар	98
2.2. Таълимларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг самарали ташкил этиш ва унинг сифатини ошириш усуллари	119
II боб юзасидан хулосалар	131
3.1. Таълимларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг методикаси	133
3.2. Таълимларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг самардорлиги	153
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	155
ФОНДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	158
ИЛОВАЛАР	

КИРИШ

Халқаро малака талабларига мос рақобатбардош педагог кадрлар тайёрлаш мазмуни ва илмий методик базасини мустаҳкамлаш, инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш, таълим тизимларининг интеграциялашуви тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи фаоллият сифатида тан олинган. Инновацион таълим тизими бўлажак мутахассисларни креатив ёндашувлар асосида инглиз тили ўқитиш механизмларини ва уларни амалиётга жорий этишнинг инновацион тизимини янада такомиллаштиришни такозо этмоқда. Шу жиҳатдан таълим соҳасида мутахассисларнинг креатив ёндашув асосида ўқитиш инновацияларни яратиш, янги билимларни яратувчи педагогик жараёнлар асосида когнитив ҳамда дивергент фикрлаш қобилиятни тарбиялаш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг интеллектуал ресурсларини яратиш ҳамда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш имкониятларини кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда рўй бераётган кескин ўзгаришлар тайёрланаётган мутахассис-кадрларга ҳам янгича ёндашуви талаб этмоқда. Жумладан, таълимни самарали ташкил этишнинг педагогик-психологик ҳамда методик омилларини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб берилган. Бу борада рақобатбардош педагог кадрларни тайёрлашнинг мазмуни ва илмий-методик базасини ривожлантириш, таълим жараёнида ностандарт педагогик ечимларни ўзини - ўзи фаоллаштириш асосида ўзлаштириш, ўқув материалларини ўзлаштиришга бўлган мотивацияни ошириш бўйича илмий изланишлар муҳим ўрин эгаллайди. Шу нуктаи назардан олий таълим муассасаларида талабаларга инглиз тили ўқитишнинг янгича

самарали ёндашуви ҳамда илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш қатта илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда талабаларнинг инглиз тили ўқитиш фаоллигига қизиқишини илғор хорижий тажрибаларга таянган ҳолда ривожлантириш имкониятлари яратилган бўлиб, креативлик ва инновацион тафаккур муҳим индикатор сифатида эътироф қилинди. Талабаларга инглиз тили ўқитиш жараёниларини шакллантиришни таъминловчи моддий-техник база, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси тўдан янгиланди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “..... инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология маркалари ва технопаркларни ташкил этиш” устувор вазифалар этиб белгиланди¹. Бу борадаги вазифалар таълим жараёнилари мазмунини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК 2909-сон Қарори, 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши ҳамда мазкур фаоллиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўлими – Т. 2017 – 6-37.

вазифаларни амалга оширишга ушбу ўқув кўлланма муайян даражада хизмат қилади.

Мазкур ўқув кўлланма республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Ўзбекистон олимларидан талабаларга таълимни таъкил этишнинг илмий-методик асослари ҳамда ижтимоий-педагогик ва фалсафий жиҳатларини тадқиқ қилиш юзасидан А.Бегматов [34], М.Каххарова[53], А.Маъзумов[72],

Ж. Йўлдошев[51], Ф.Рахматова[99], Р.Джурасев [43], Б.Джурасева [44], Н.Жумаева[47], З.Измаилова [48], У.Махкамов[73], М. Иномова [50], О.Муҳурмонова [91], Б.Рахимов[98], М.Хайдаров[111], Давлатшин М[42], О. Ҳасанбоева[109], К. Ҳошимов[110], М.Куროнов[107], дар илмий изланишлар олиб боришган.

МДХ олимлардан А.Ажибаева[25], В.Межуев[85], К.Корсақ[57], Литвинова Д. [69], Н.Коршунова[58] Митина Д. [86], Мороз А. [87] кабилар томонидан муаммонинг ижтимоий-педагогик ва фалсафий жиҳатларини ўрганилган.

Хориж олимларидан Botcheva, L. [35], Spivak A.L. [100], Nuffman, L. [35], Shin J. [35], Дьюи Д [44]лар томонидан мазкур муаммага оид илмий изланишлар олиб боришган.

Ўқув кўлланманинг **мақсади** талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг илмий-методик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг шахс касбий камолотида тутган ўрнини мавжуд таърибаларга таянган ҳолда илмий-методик жиҳатдан асослаш;

талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг илмий-методик асосларининг ижтимоий-педагогик аҳамиятини илмий-методик жиҳатдан тадқиқ этиш;

талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг илмий-методик тизимини такомиллаштириш, таъхис этиш ва мониторингини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш;

талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиш имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилган илмий методик таъкиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, уларнинг самарадорлигини аниқлаш.

Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг илмий-методик жараён мазмуни, талабаларнинг ўзини-ўзи касбий такомиллаштириш талаблари асосида аниқлаштирилган;

талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишда ижодкорлик, креативлик, креатив ёндашув, мустақил фикрлаш каби компонентларнинг ижтимоий-педагогик аҳамияти назарий жиҳатдан тадқиқ этилди;

талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг илмий-методик, психологик-педагогик омилларини аниқлаштириш орқали уларни касбий-методик йўналтирилган интеграцион таъсир кўрсатиш механизми ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилди;

талабаларни инглиз тилига ўргатиш, уларда методик ривожлантиришнинг модулли технологияси яратилди ҳамда илмий хулосалар ва методик тавсиялар ишлаб чиқилди.